


ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ҚАДРУ ҚИММАТИМИЗ, ОРЗУ-УМИДЛАРИМИЗ ТАНТАНАСИ

Тошкент вилоятида халқимиз ҳаётидаги муҳим ва шонли сана –
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг
27 йиллиги катта тантаналар билан нишонланди.

Барчамизга яхши аёнки, мустақил тараққиёт йилларида Конституциямиз юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатлари ва ҳусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодий ёнги куриш, халқимиз учун тинч, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.



Бугун тобора чирой очиб, эзгу ташаббуслар, хайрли ва кўламли бунёдкорликлар манзили сифатида кўрган кўзни қувонтираётган Куйи Чирчиқ тумани вилоятнинг асосий байрам тантаналари марказига айланди. Бу бежиз эмас, албатта...

Сабаби, шу кун туманда 5 муҳим ташаббус доирасида амалга оширилган бунёдкорлик ишларини ўзида муҳасам этган, "Тошкент вилоятида жорий йилги ишловотларнинг ижобий натижаси" шиори остида қатор

тадбирлар ташкил этилди. Туман марказига йиғилган вилоят фаоллари, турли соҳа илғорлари, иқти-

дорли ёшлар, сектор раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари ва меҳмонлар "Маданият", "Пахтазор", Беруний номли маҳаллаларда амалга оширилган кенг кўламли янгиланишлар, бунёдкорлик жараёнлари билан танишишди.

Дастлаб меҳмонлар "Маданият" маҳалласида замонавий услубда қурилган янги поликлиниканинг очилиш маросимида қатнашди. Сўнгра "Пахтазор" маҳалласидаги янгидан бунёд этилган "Истироҳат боғи"га ташриф буюрдилар.

Хабарингиз бор, ёшлар

таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратиш, маънавий юксак ва интеллектуал салоҳиятли авлодни тарбиялаш, аҳоли, хусусан, хотин-қизлар бандлигини ошириш бугун мамлакатимиз раҳбари олиб бораётган давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сирасидандир.

Президентимиз томонидан бу каби хайрли мақсад ва вазифалар рўёбига ҳизмат қилувчи бешта ташаббус илгари сурилиб, бу йўналишдаги вазифалар аниқ ва равшан белгилаб берилган эди. Ўтган қисқа вақт ичида бутун мамлака-

тимизда бўлгани каби вилоятимизда ҳам ҳар бир ташаббус бўйича чора-тадбирлар дастурлари ишлаб чиқилди, одамлар орасига кириб, ёшлар қалбига йўл топиб, ҳаётини тақдирлар ўртага ташланди.

Бугун бутун Куйи Чирчиқ мана шу хайрли ташаббуслар жозибаси, шуқуҳи билан яшамоқда, десак муболаға бўлмас. Айниқса, юқорида тилга олинган ҳудудларга шу кунларда бир келган меҳмон бу ерларни мулақо таний олмаслиги аниқ.

Давоми 3-бетда

Сайлов – 2019



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда.

Газетамизнинг бугунги сонида Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент вилояти Кенгаши номидан тақдим этилган "Бугунги кун депутати қандай бўлиши керак?" ҳамда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент вилояти Кенгаши номидан "Аҳолининг барча ижтимоий қатламлари сифатли тиббий хизматдан фойдаланишга ҳақли" сарлавҳали мақолалар таҳририятимиз томонидан тақдим этилган бепул нашр майдонлари доирасида чоп этилмоқда.

2-саҳифага қаранг

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИНГ МУҲИМ МЕЗОНИДИР

Хабарингиз бор, кун кеча мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган тантанали маросимда Асосий Қонунимиз фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиши, шунингдек, юртимизда демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги устувор йўналишлар ҳақида маъруза қилди. Ўзига хос йил сарҳисобига айланган маъмур тадбирда яқунланаётган йилда бажарилган ишлар, нималарга эриша олдиғи, қайси вазифалар ижросида сусткашликка йўл қўйилди, деган савол туғилиши табиий.

Муносабат

Асосий Қонунимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида белгиланган. Мамлакатимизда бундан уч йил олдин халқ билан мулоқотнинг мутлақо янги шакли – Халқ қабулхоналари ташкил этилгани фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлаш жоиз. Бугун барча даражадаги давлат идораларида муносабатлар билан ишлаш, одамларни тинглаш, муаммоларини ҳал этиш биринчи даражада масалага айланди. Одамларда адолатга, қонун устуворлигига ишонч ортди.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида қонун устуворлигини таъминлаш демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезони ҳисоблашиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ишлаб чиқаётган ҳужжатлар, мансбдор шахсларнинг ҳатти-ҳаракатлари фақат ва фақат Конституция ҳамда қонунларга мувофиқ бўлиши шартлигини алоҳида таъкидлади.

Сўнгги йилларда Президентимизнинг турли даражада жинойт содир этганларни афв этиш бўйича 8 та фармони қабул қилиниб,

4 мингдан зиёд шахслар жазони ўташ жойларидан озод қилинди. Кун кеча, яъни Конституция байрами арафасида давлатимиз раҳбари яна бир шундай фармонга имзо чекди.

Куйидаги рақамларга ҳам эътибор қаратинг: ўтган уч йилда 9 минг 692 нафар, жумладан, бу йил 5 минг 868 нафар шахс Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни фақат ва фақат халқ манфаати йўлида оғишмай хизмат қиладиган идораларга айлантириш зарурлигини қайд этди.

Жумладан, Президентимиз маърузасида: "Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш учун биз ҳаётимизнинг барча жабҳаларини конституциявий назоратни кучайтиришимиз зарур", дея алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, биз халқимизнинг тўб манфаатлари, унинг эзгу орзу-интилишларини ифода этадиган ана шундай сиёсатни нафақат давом эттиришимиз, уни янада юксак босқичга кўтаришимиз керак.

Б. ИБРОҲИМОВ,
Чирчиқ шаҳар прокурори,
2-сектор раҳбари

БЎЗСУВДА ЯНГИ ПОЛИКЛИНИКА

Конституция кун муносабати билан Зангиота туманида ўн тўрт минг аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш қувватига эга кишлоқ оилавий поликлиникаси фойдаланишга топширилди.

Яхши хабар

Бўзсув қишлоғининг "Аччисой", "Нуробод", "Зарафшон", "Дехқон-обод", "Маданият" ва "Ибрат" маҳаллалари аҳолисига байрам совғаси сифатида тўхфа этилган тиббийет муассасаси 1 млрд. 300 млн. сўм маблағ эвазига қайта бунёд этилди. Муассасада 6 нафар олий тоифали шифокор, 28 нафар ҳамшира беморларга хизмат кўрсатишда. Шунингдек, поликлиника таркибиде "Ижтимоий дорихона" ва "Фитобар" фаолияти йўлга қўйилган.

Тошкент вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати



Келин қидиряпсиэми?

"Тошкент ҳақиқати"да шеърлари чиққан қизлар орасидан танланг!

Кўев қидиряпсиэми?

"Тошкент ҳақиқати"ни ўқиётган йигитларга эътибор беринг!

Негаки, газетамизнинг ёшлар таълим-тарбияси, уларни оилавий ҳаётга тайёрлашда ўрни катта.

Қадрли дўстлар! Севимли нашрингизга 2020 йил учун обун бўлишининг айна мавриди!

Нашр индекси – 205

Эхтиром

Бўстонлик туманидаги Хумсон қишлоғини билмаган, бир бора унинг сўлим табиати ҳақида эшитмаган юртдошларимиз камдан-кам топилади.

Аммо, Машриқ Юнусов – Элбекнинг манглайига ана шу табиатдан баҳра олиб, завқу шавққа тўлиб яшаш, ижод қилиш

Кун кеча Ҳазалкент шаҳридаги "Маданият уйи"да Элбек таваллудига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди. Дастлаб бир гуруҳ шоирлар ёзувчилар шаҳар марказига ўрнатилган Элбек бюсти пойига

битилмаган экан. Мустабид даврнинг ўша – қатагон машинаси шиддат билан ишга туширилган қонли йилларда унинг орзулари золимлар забтидан тутдек тўкилди. Қамокқа олинди, олис Сибирда юртини, гўзал Хумсонини соғина-соғина вафот этди...

си Мухаммад Али, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, Қорақалпоғистон халқ шоири Рустам Мурсурмон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Шарифа Салимова, филология фанлари

номзоди Ортиқбой Абдуллаев каби намояндалар, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда Элбекнинг авлодлари иштирок этди.

Тадбирда сўз олган Наим Каримов бир тарихий далилдан сўз очди: "Абдулҳамид Чўлпон билан бирга Элбек ўзаро қўл ташлашиб, миллатни эрка чорлашга, хурриятга ундашга, бу йўлда неки қийинчиликка дуч келса, мардона туриб беришга ахдлашган экан..."

Элбек номи эсланганда, табиий

равишда Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Ашурли Зоҳирий каби маърифатпарварлар келади ҳаёлимизга. Миллатнинг зиёли қатлами қатагон қилинган XX асрнинг 30-йиллари эрк ва озодлик туйғуларига барҳам берилган эди. Элбек ўша кезларда:

Қурол, оҳ!.. Қандайин гўзал бир сўз,
Ол қўлигга сен уни, эй боёқиш!

Давоми 3-бетда

Янги Ўзбекистон — янги сайловлар!

Ўтиб бораётган ҳар бир кун бизни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сайлови кунига тобора яқинлаштирмоқда. Айни пайтда сайловчилар партиялар ва улар томонидан илгари сурилаётган номзодлардан кўп нарса кутмоқда. Шу боис, номзод, аввало, депутатлик масъулияти нима эканлигини чуқур англамоғи лозим.



БУГУНГИ КУН ДЕПУТАТИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Депутатдан барча соҳаларда изчил олиб борилаётган ислохотларнинг нафақат иштирокчиси, балки уларнинг ташаббускори ҳамда ижроچиси бўлиш талаб этилади. Шундагина унинг сайловчилар олдида юзи ёруғ, ишида унум бўлади. Депутат ўзига талабчанликни кучайтирса, аҳолининг ўй-фикрлари, дарду ташвишларини билиш баробарида уларга ҳар томонлама кўмак берсагина жамият тараққиёти янада тезлашади.

Таъбир жоиз бўлса, бугунги кун депутати жамиятдаги муаммоларни бартараф этишда давлат ва халқ ўртасида мустаҳкам кўприк вазифасини ўташи керак. Шу нуқтаи назардан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг номзодлари сайланса ана шундай эзгу мақсадларни амалга оширилишига шубҳа йўқ.

O'zLiDePнинг Сайловолди платформаси ҳамда амалиётда кузатган муаммолардан келиб чиқиб, ўз Сайловолди дастурида қуйидаги масалаларга асосий эътиборини қаратганман:

Парламентаризмни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, сиёсий партияларнинг ролини ошириш, халқ ҳокимиятини янада кучайтириш.

Бунда ижро ҳокимиятидаги аҳоли турмушига дахлдор муҳим масалаларни ҳал этишни вакиллик органлари ўз ваколатига олиши зарур бўлади. Хусусан, таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал, транспорт, қурилиш, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонун-ости ҳужжатлар, тартиблар фақатгина қонун орқали қабул қилинишига эришиш шарт.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг кўчмас мулкларини бузиш, давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкалари ва хусусий мулк объектларини олиб қўйиш ҳамда тадбиркорлик субъектларига берилган лицензияларни бекор қилиш бўйича қарорларни фақат суд томонидан қабул қилинишини йўлга қўйиш лозим. Шунингдек, мазкур масалада мансабдорларнинг жавобгарлигини кучайтириш мақсадга мувофиқ.

Иктисодиёт соҳасида давлатнинг табиий монополиясини қайта инвентаризациядан ўтказган ҳолда, табиий монополияни қисқартириш лозим. Хусусан, транспорт (автомобиль, темир йўл, ҳаво йўллари), коммунал ва қурилиш соҳасидаги монополияга чек қўйиш, давлат манфаатлари акс этмаган лойиҳалар бўйича алоҳида субъект ва гуруҳларга имтиёзлар бериш амалиётини тўхтатиш ва бозор иштирокчиларининг барчасига тенг имтиёз, имкониятлар тақдир этилишига эришиш керак.

Суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлашга қаратилган қонуний чора-тадбирларни амалга оширишни қўллаб-қувватлаш лозим. Шунингдек, ички ва ташқи меҳнат миграцияси соҳасини тартибга солишга қаратилган, шу жумладан, чет элларда меҳнат қилаётган юртдошларимизни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, мазкур масалада давлатнинг устувор вазифаларини белгилаб бериш бўйича алоҳида "Меҳнат миграцияси тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бугунги кун талабига айланганлиги бор ҳақиқат.

Кўпчилик қутаётган яна бир масала: прописка тизимини соддалаштириш, шу жумладан, мамлакатимизда бир ҳудуддан бошқа ҳудудга вақтинча ишлаш мақсадида бораётган фуқароларга нисбатан вақтинчалик рўйхатга турмаганлик учун жарима қўллаш амалиётига чек қўйиш учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 223-моддасига тегишли ўзгариш киритиш лозим. Ишлаш мақсадида мамлакат ичкарисидида ҳаракатланаётган фуқароларимиз ўз ҳудудидан бошқа ҳудудга чиққан тақдирда уларнинг ҳаракат жойини билдириш мақсадида мобил телефондан махсус қисқа рақамларга хабар юбориш орқали маълумотлар базасига маълумот киритиш тизимини жорий этиш керак.

Оммавий ахборот воситаларининг ролини оши-

риш, давлат ва жамият манфаатлари учун зарур ОАВларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган алоҳида механизм ишлаб чиқиш, очиқлаш сиёсатини қўллаб-қувватлаш вақти келди.

Фуқаролар томонидан қонунбузарлик ёки қондабузарлик учун мавжуд жарима миқдорларини қайта кўриб чиқиш ва аҳолининг реал даромадларига мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқ. Хусусан, коммунал, қурилиш, экология, паспорт ва йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун белгиланган жарима миқдорларини камайитиришга қаратилган қонуний чора-тадбирларни амалга ошириш керак. Шунингдек, мамлакатдаги барча аҳоли пунктлари ва таълим муассасаларига замонавий оптик толали интернет алоқа тизимини олиб кириш ва интернет хизматлари нархини пасайтириш шарт.

Бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан яна бири — педагогларни қўллаб-қувватлаш, уларни ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган "Ўқитувчи макоми тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилишга эришиш ҳисобланади.

Олий таълим муассасаларига ёзма савол-жавоб ва ижодий суҳбат асосида қабул қилиш тизимига ўтиш, қабул квоталарини муассаса имкониятидан келиб чиқиб мустақил белгилаш, стипендияларнинг талаба баҳосидан келиб чиқиб муқаддам мавжуд бўлган ҳолига қайтариш, контракт нархларини белгилашнинг максимум ва минимум қийматини ўрнатиш учун қонуний аниқ чегара белгилаш, қўшимча талабалар тураржойларини барпо этиш масалалари бўйича ҳукуматга тақлифлар киритиш ва амалга оширилиши устидан депутатлик назоратини ўрнатиш шарт. Ижтимоий ҳимоя тизими бўйича мавжуд тартиблар, шу жумладан, "кам таъминланган оила" макоми бўйича амалдаги тартибни реал ҳаётга мослаш катта аҳамиятга эга.

Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат ва хусусий шериклик тизими жорий этилишини қўллаб-қувватлаш, оғир ижтимоий касалликлар бўйича тиббий муассасаларни замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлашни ва ҳар қандай касаллик бўйича тиббий ташхис қўйиш имкониятини яратиб бериш бўйича қонуний чора-тадбирларни амалга ошириш керак.

Бошқарув ва давлат хизматлари кўрсатишни тўлиқ электрон усулга ўтказиш мақсадида "Электрон ҳукумат" тизимини қўллаб-қувватлашга қаратилган қонуний чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Меҳнат кодекси талабларидан келиб чиқиб, саккиз соатлик иш режимида ривож этилиши устидан таъсирчан депутатлик назорати амалга оширилиши жуда кўплаб муаммоларнинг олдини олишга сабаб бўлади.

Қолаверса, номзодимизга овоз берган сайловчилар манфаатларидан келиб чиқиб Чиноз ва Янгийўл тумани аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, канализация ва оқова сув тармоқлари реконструкция қилиниши, экологик муҳитнинг яхшиланиши масаласида ҳукуматга тегишли тақлифлар киритиш ҳамда амалга оширишга эришишни зиммамда турган энг устувор вазифалардан деб биламан.

Кези келганда яна бир гап. Очиги, партиямиз ўз олдида қўйган вазифаларни ундалаб келмоқда. Ўтган йиллар давомида O'zLiDeP бунёдкорлар партияси эканини амалий ишлари билан исботлай олди. Шу боис, 22 декабрь куни бўлиб ўтadigan Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловларда партиямизга овоз беришингиз вилоятимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётини янги босқичларга кўтарилишига сабаб бўлади!

Расул КУШЕРБАЕВ,
95-Чиноз сайлов округидан Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутатлигига
O'zLiDePдан кўрсатилган номзод

Ҳар бир фарзанд — миллат келажиги. Болаларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажигини кўриш барчамизнинг эзгу орзуимиз ҳисобланади. Келажигимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилишини барчамиз яхши биламиз. Шунинг учун ҳам таълим соҳасида самарали ислохотлар амалга оширилмоқда ва бу ўзининг ҳақиқий натижасини кўрсатмоқда.



АҲОЛИНИНГ БАРЧА ИЖТИМОЙ ҚАТЛАМЛАРИ СИФАТЛИ ТИББЫЙ ХИЗМАТДАН ФОЙДАЛАНИШГА ҲАҚЛИ

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялашда соғлиқни сақлаш тизимининг ўрни, таъсири ва масъулиятини ошириш, таълим-тарбия ва спортнинг ўрнини кучайтириш, соғлом бола тарбиясида маҳалла ва ижтимоий тузилмаларнинг ҳиссасини янада ошириш каби долзарб вазифаларнинг ижросини таъминлашда "Адолат" СДП ҳам фаол иштирок этмоқда. Ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, болалар саломатлигини асраш, айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Чунки, партия аҳолининг барча ижтимоий қатламлари ўз вақтида, мунтазам, сифатли тиббий хизматдан фойдаланишини таъминлаш тарафдоридир. Халқимизга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доирасида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш тизимини кучайтириш, дори воситаларининг қонуний айланishi, қалбақлаштирилган ва сифатсиз дори воситалари сотилишининг олдини олиш, скрининг ва перинатал марказлари, аёллар тиббий маслаҳатхоналари, туғуруқ мажмуалари, гинекология ва патронаж хизматлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари партиянинг эътибор марказида турибди.

Жумладан, "Фарзандлари соғлом юрт — қудратли бўлур" лойиҳаси доирасида партия ташкилотидидаги ишчи гуруҳ томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда мамлакатимиздаги мавжуд мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактабларида ўқувчилар сонининг санитария-гигиена талабларига мослиги, умумий тиббий хизматнинг аҳоли, мажбурий дори-дармонлар билан таъминланганлик даражаси ва бошқа эмалашлар даврийлиги ҳамда тоза ичимлик суви билан таъминланганлик ҳолатлари жамоатчилик назорати тартибидида ўрганиб чиқилмоқда. Текшириш жараёнида меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилган бандлар талабларига умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасалари жавоб бериши билан бирга, бир қатор камчиликлар борлиги ҳам аниқланган.

"Адолат" СДП янги Сайловолди дастурида илгари сурилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, шаҳар ДСЭНМ ҳамда тиббиёт бирлигаси масъул ходимлари иштирокида умумий ўрта таълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларидаги ўқувчилар сонининг санитария-гигиена талабларига мослиги, умумий тиббий хизматнинг аҳоли, мажбурий дори-дармонлар билан таъминланганлик даражаси юзасидан аниқланган муаммолар таҳлил этилмоқда.

Натижада, амалий ишлар Халқ таълими вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қўшма қарорига асосан тасдиқланган "Мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларининг тарбияланувчи ва ўқувчиларига бирламчи тиббий-санитария ва профилактик ёрдам кўрсатиш тўғрисида"ги низомида белгиланган талаблар даражасида эмаслиги сингари ҳолатлар ҳам аниқланган. Айниқса, намунавий лойиҳа асосида қурилиб, фойдаланишга топширилган мактабларда тиббиёт хонаси номини таъминлаш таъминоти, тиббий асбоб-ускуналар ва зарур дори-дармонлар билан умуман таъминланмаганлиги ачинарли ҳолатдир. Шунингдек, мактабгача таълим муассасаларининг тиббиёт хонасида ширма, спирометр, қўл динамиометри, қўз, қулоқ, бурун аъзоларини текшириш учун стол лампаси, термосумка ва муз халтаси каби тиббий

восита ва анжомларнинг йўқлиги маълум бўлган.

Жамиятда тиббий маданиятни юксалтирмай туриб, қўзланган мақсадга эришиш қийин. Бунинг учун маҳаллаларда она ва бола саломатлиги билан боғлиқ мавзуларда тарғибот ишларини кучайтиришимиз лозим.

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом авлодни воғга етказишда соғлиқни сақлаш тизимининг масъулиятини ошириш, таълим-тарбия ва спортнинг ўрни ҳамда таъсири янада кучайтириш, соғлом бола тарбиясида маҳалла ва ижтимоий тузилмаларнинг ҳамкорлиқдаги фаолиятини янада самарали ташкил этиш масалалари Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг янги Сайловолди дастурида муҳим ўрин тутди.

Шу боис, партия томонидан келгуси беш йилликда юртимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида халқимизнинг саломатлигини асраш, она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш, тиббий профилактика ва даволаш ишлари сифати ҳамда самарадорлигини оширишга қаратилган самарали лойиҳалар ишлаб чиқилади ва амалиётга жорий қилинади. Натижада, соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техника базасини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилади. Болаларни юқумли касалликларга қарши режали эмлаш янада изчиллик билан давом эттирилади.

Жойларга чиқиб депутатлик ва жамоатчилик назорати институти билан ҳамкорликда болаларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш ҳолати, соҳадаги мавжуд муаммолар ҳамда билдирилган эътирозлар юзасидан муассасалар тарбияланувчиларининг ота-оналар қўмиталари билан биргаликда, муассасаларда болалар сонининг санитария-гигиена талабларига мослиги, муассасаларда умумий тиббий хизмат кўрсатиш сифати, уларнинг мажбурий дори-дармонлар билан таъминланганлик даражаси ҳамда болаларнинг эмлашлар ўтказилиши ҳолатлари бўйича ўрганишлар ташкиллаштирилади.

Ўтказилган учрашувлар, сайёр қабуллар натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этишда билдирилган тақлиф, фикр-мулоҳазалар умумлаштирилиб, йўналишлар бўйича дастурлар ишлаб чиқилди ҳамда халқ таълимида болалар соғлиги масалалари бўйича илғор хорижий тажрибалар ўрганилади. Ишлаб чиқилган дастурлар Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирликларида ижро учун ҳамда Вазирлар Маҳкамасига назорат учун киритилади. Белгиланган чора-тадбирлардан келиб чиққан ҳолда болаларнинг тиббий муҳофазасини оширишга қаратилган ижтимоий роликлар, флаерлар ва бошқа тарқатма материалларни чоп этиш ҳамда ОАВ ва интернет тармоғида кенг ёритилиши таъминланади.

Ишлаб чиқилган тарқатма материалларни депутатликка номзодларнинг шахсий программалари билан уйғунлаштириш таъминланади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари фракция ййилишида муҳокама қилиш ва қонунчилик ташаббуси билан чиқиш масаласи илгари сурилади.

Мақсадимиз — ёшларга берилаётган таълим ва тарбиямиз фақат яхши натижа келтирсин, келажигимиз эгаларининг порлоқ истикболини таъминлашга хизмат қилсин. Фарзандларимиз билим даргоҳини худди Ватанни, Олани севгандек севиб кадрласа, эъозласа, эртанги кунимиз ёруғ бўлиши мукаррардир.

Умид ШУМАРОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Тошкент вилояти
Кенгаши раиси



– Бугун нафақат Куйи Чирчиқ кўчаларида, балки, ҳар бир тумандошимизнинг уйида байрам, десак муболага бўлмайди, – дейди меҳнат фахрийси, педагог Зулфия ая Нусратова. – Чунки, Президентимиз илгари сураётган беш ташаббуснинг амалий натижаларидан энг биринчилардан бўлиб туманимиз

ёнларга кенг жалб этиш, маданият марказларида чолғу, хонандалик, тасвирий санъат тўғрақлари, ҳаваскорлик театр жамоалари ва болалар ансамбллари ташкил этиш, спорт билан шуғулланиш имкониятларини ошириш ҳарақатлари муқобил тарзда олиб борилаётган.

Шу кунги Беруний номли

бағишланган тантаналар бошланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига вилоятдан сайланган сенаторлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, шаҳар ва туман

томонидан тайёрланган бадий-композицион дастур бар-фият бағишлади.

Тўкин дастурхон атрофида давом этган байрам гурун-ларида поёнига етиб бораётган 2019 йил ҳар қанча синов ва машаққатлар билан кечаётган бўлмасин, бугун серкуёш диёримизда тинч-

Шу кунги байрам тантаналари Юқори Чирчиқ туманида ҳам жуда файзли ўтди. Туман фаоллари жам бўлган, ҳарбийлар саф тортган Хотира хиёбонининг очилиш маросими тантанали тарзда ўтказилди. Вилоят ҳокими "Мотамсаро она" ва "Уч аскар" мемориал ёдгорликлари пойига гулчамбарлар қўйди. Туман марказида баландлиги 42 метр келадиган флашток – Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи баланд кўтарилди. Шунингдек, маросимда 16 га тўлган ёшларга фуқаролик паспорти тантанали равишда топширилди.

Бир сўз билан айтганда, вилоятимизда халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти, турмуш даражасини ошириш йўлида чиндан ҳам катта ҳарақатлар қилинапти. Зеро, Асосий Қонунимизнинг 7-моддасида аниқ-тиниқ қилиб, "Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир", деб ёзиб қўйилган.

Ҳамиша тинчлик ва озоишталлик қадрлаб, эркин ва обод ҳаётни ўзининг бахти ва тақдири, деб билган Тошкент вилоятининг меҳнаткаш аҳолиси Ватанимизни янада гуллаб-яшнаши учун ўз олдига қўйилган барча вазифаларни дадил, мардонавор амалга ошира олади. Бунга асло шубҳа йўқ.

Алишер РАҲМАТОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Мансур ҲИММАТОВ
олган суратлар

□ Тирик сатрлар



Абдували
Қутбиддин

ҲЕЧ КИМ СУЙГАН ЭМАС...

Ҳеч ким суйган эмас мени сенчалик,
Қақнус тумшугида ёнган аланга.
Азизам, азизам, ғамгин азизам,
Саодат олмоққа етурми тангам.
Заҳоб ютиб кетган
Олулча барги,
Темир дубулгада ўсган чиннигул.
Нотинч изтиробим ва соғинчларим
Сенсиз эتماқдаман ёлғиз танавул.
Ҳамал қафасида ҳарир, ғаройиб
Зиндон топиб берар кофар ҳаяжон.
Бўёқлар яралган сиймий ҳовузда
Қунишиб, жунжикар-серталваса жон.
Ҳеч ким севган эмас мени сенчалик,
Ҳеч ким бўлолмаган сендай фидо тан.
Денгизни сапчитиб отган қийқирик,
Гўё сен,
Денгиздай таажжубланаман.
Оғир лангар бўлиб қўлларим чўқар,
Тубсиз қучоғинга қарахт, беозор,
Ҳайронман,
Узунг ютган наҳанглар,
Сени қуршаётир ишорангга зор.
Ҳеч ким суйган эмас мени сенчалик,
Ҳеч ким суйган эмас мени юракдан.
Ҳеч ким тўқилмаган сендек эланиб,
Ҳеч ким тўқилмаган сендек элакдан.
На тақдир битувчи,
На қаттол рақиб,
Бермаган саодат олмоққа танга.
Ҳеч ким ёндирмаган мени сенчалик,
Қақнус тумшугида ёнган аланга.

Ҳеч ким суйган эмас мени сенчалик...

ҚАДРУ ҚИММАТИМИЗ, ОРЗУ-УМИДЛАРИМИЗ ТАНТАНАСИ

аҳли, ёшлари баҳраманд бўлаётган. Ўзимиз шу ерда яшаб, кўз ўнгимизда рўй бераётган ўзгаришлар, қурилишлардан ҳайратдамиз. Атиги бир йил олдин, биров келиб, туманимизда шунақа ўзгаришлар бўлишини айтса, ишонмасдик. Ният яхши, ташаббус ҳаётий бўлса, инсон закоси, қўли қандай мўъжизалар яратишга қодир эканлигига бугун ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Шу аjoyиб кунларда бундай ишларни бошлаган Президентимизга, туманимизга алоҳида эътибор қаратаётган вилоятимиз раҳбарларига каттадан катта раҳматлар айтмай.

Дарҳақиқат, туманда бу ишларга уйғун равишда ёшларни маданият ва санъат муассасалари, ижодий жара-

Бошланғич 1-бета



маҳалла марказида буюк бо-бокалонимиз, дунё илм-фани тамаддунининг бешигини тебратган атоқли олим Абу Райхон Беруний ҳазратларининг муҳташам ҳайкали тантанали равишда очилди. Шунингдек, таъмирдан сўнг бутунлай янги қиёфа касб этган Беруний номли маданият саройида ҳаётимизга улуғвор ислохотлар бахш этаётган Асосий Қонунимизни шарафлашга

ҳоқимлари, нуроний ва оқсоқоллар, маҳалла фаоллари, меҳнат фахрийлари ва турли соҳа мутахассислари қатнашди.

Вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Рустам Холма-тов маросим иштирокчилари-ни Конституциямиз қабул қилинганининг 27 йиллиги билан қизгин кутлади.

Элимиз ардоғидаги санъат усталари, ижрочи ёшлар

лик ва озоишталлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳити барқарор экани катта мамнуният ва шукроналик билан тилга олинди. Негаки, миллий тараққиётимизнинг энг муҳим ва устувор жабҳаларида ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар медалари-дан баҳраманд бўлаётган халқимизнинг эртанги кунга, давлатга, сиёсатга ишончи мустаҳкамланмоқда.

Қувончимиз шундаки, айни кунларда, бутун вилоятимиз улкан бунёдкорлик, қурилиш ва янгиланишлар майдонига айланди. Не бахтки, Президентимизнинг беқиёс эътибор ва ғамхўрликлари билан вилоятимизда олиб борилаётган катта ҳажмдаги янгиланишлар жараёнида бевосита иштирокчи бўлиб, шу вазифаларга дахлдорлик ҳисси билан яшаймиз.

□ Қибрайдан хушхабарлар



БАЙРАМ ТУҲФАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллиги муносабати билан вилоятимизнинг Қибрай туманида бир қанча янги бино ва иншоотлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

"Қипчоқ" маҳалласида 100 ўринга мўлжалланган "Қувонч" номли 1-мактабга таълим ташкилоти 1936 йилдан бери мослаштирилган бинода фаолият кўрсатиб келарди. Жорий йилда Давлат инвестиция дастурига киритилиб, 3 млрд. 300 млн. сўм маблағ ҳисобига қайта реконструкция қилинган муассаса бугунги кунда тамомила янгича кўриниш касб этди. Замонавий бинода қичкинтойлар учун барча қулайликлар яратилган бўлиб, малакали тарбиячилар кенг ва ёруғ хоналарда

болаларга таълим-тарбия беришмоқда.

Шунингдек, ёш тадбиркор Дилафруз Анорқулова ташаббус билан "Боғишамол" маҳалласида "Gentle kids" но-давлат мактабга таълим ташкилоти ҳам байрам арафасида фойдаланишга топширилиб, 30 нафар кичкин-тойни ўз бағрига олди.

"Бино-иншоот индустрия" хусусий фирмаси томонидан янгидан реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилган 9-мактабда эндилик-да 8 та қўшмча синфхона, фаоллар зали ва 80 ўринли

ошхона ҳам мавжуд. Мактаб-да 430 нафар ўқувчи 30 дан зиёд ўқитувчилар ўзбек ва қозоқ тилларида сабоқ беришмоқда.

Хабарингиз бор, мамлакатимизни барқарор ривожлантириш, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, фуқаролар ўз ҳаётидан рози бўлиб, эртанги кунга қатъий ишонч билан қараб, муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш, шунингдек, олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларни изчил амалга оширишда жамиятнинг энг муҳим бўғини ҳисобланган маҳалланинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Байрам арафасида фойдаланишга топширилган "Гулзор" маҳалласининг янги маъмурий биноси ҳам ана шу эзгу

мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз.

2 минг нафарга яқин аҳоли истикомат қилувчи маҳалла биноси анчадан бери вилоят автобус саройига қарашли иккитагина хонада фаолият кўрсатиб келарди. Давлат хусусий шерикчилик асосида замонавий лойиҳа бўйича қурилган янги бинода аҳоли билан яқиндан мулоқот қилиш учун барча қулайликлар яратилган.

Тантанали очилиш маросимида туман ҳокими Мирязам Мирқосимов, туман прокурори Санжар Солиҳов иштирок этиб, маҳалла оқсоқолига бинонинг рамзий қалитини топширишди.

Аллома АЗИЗОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Аброр ЭСОНОВ
олган суратлар



■ Дарвоқе

ОНАСИ НОДОННИНГ ҲАММАСИ НОДОН

Ижтимоий тармоқларда тарқалган мана бу қизиқ маълумотларни ўқиб, эскиларнинг бир гапи ёдга келади. Бу бир қадар кескинроқ ҳукмдек янграса ҳам, таги бутун гапга ўхшайди. Эскилар дейди: "Отаси нодоннинг биттаси нодон, онаси нодоннинг ҳаммаси нодон..."

У ерда ёзилишича, интеллект деганларни ўғилга отадан ўтмас экан. Бу дегани, агар сиз даҳо бўлсангиз ҳам, ўғлингизга бу генлар аксар ҳолларда "мерос бўлиб ўтмайди".

Худди шундай, қобилиятсизлик ҳам. (Бу билан сизни табриклаш мумкин). Олимларнинг тадқиқотлариغا кўра, интеллект отадан фақат қизга ўтиши мумкин экан. Бежиз қизларни "ташувчилар" дейишмайди. Истеъдод ва салоҳият ўғил болага фақатгина ўз онасидан ўтиши мумкин экан. Она эса уни ўз навбатида, отасидан мерос қилиб олган бўлади.

Демак, бундан келиб чиқадики, даҳонинг қизи отаси каби ярим даҳо, унинг ўғли эса, албатта, даҳо

бўлади. Ўз навбатида, кечирасизу, агар аёлнинг отаси аҳмоқ бўлса, унда қизи ҳам ярим аҳмоқ, ўғли (яъни набира) эса "супер аҳмоқ" бўлади.

Шунинг учун ҳам аёллар орасида батамом нодонлари бўлмагани каби, мутлақ даҳо аёллар ҳам йўқ, деб таҳлилларга ҳулоса асаганлар олимлар. Аммо, эркак даҳола ва мутлақ аҳмоқ эркаклар истаганча топилади. Шундан бўлса керак, қўча дайдилар, омадсиз пиёнисталар ҳам, Нобель мукофоти лауреатлари ҳам

аксар ҳолларда эркаклардан чиққан. Шу ўринда эркакларнинг қулоғи айтиладиган тавсиялар: Ўғлингизнинг ақлий қобилиятини таҳмин қилиш учун, хотинингизнинг отасига, яъни қайнотангизга қаранг. Агар унинг ақлий ва фикрлаш салоҳияти академик даражасида бўлса, ўғлингизни ўқишга шайлайверинг, кун келиб ундан, албатта, академик чиқади.

Ақли авлод истасангиз, қиз фарзанд орзу қилинг ва ақли инсонлар қизидан келин танланг. Негаки,



юқорида айтилганидек, сиз ўзингизни ақли деб ҳисобласангиз, сиздаги бу ақлий қобилият онангиздан, аниқроғи, она томондан бобонгиздан ўтган бўлади.

Реклама ва эълонлар

"Respublika mulk markazi" MCHJ "Toshkent mintaqaviy filiali" бошланғич баҳоси охири бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади! Савдога, Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси С.Ю.Юнусовга тегишли, Тошкент шаҳри М. Улугбек тумани М. Улугбек кўчасида сақланаётган "Эсперо" русумли давлат рақами 01/226 АВА, 1993 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз, бошланғич баҳоси - 7 815 185 сўм бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2019 йил 13 декабрь соат 10:00 да ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишнинг охири муддати: 2019 йил 12 декабрь соат 18:00. Автотранспорт воситаси шу кунги со-тилмаган тақдирда, тақрорий савдолар 2019 йил 20, 27 декабрь кунлари соат 10:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2019 йил 20 декабрь савдолар учун 19 декабрь соат 17:00; 2019 йил 27 декабрь савдолар учун 26 декабрь соат 17:00 да тўхтатилади. Талабгорлар за-калат келишув шартномасини имзолаб, мулк бошланғич ба-ҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган микдорда закалат пулини ХАТБ «DAVR-BANK» Бош Амалиётлар Бошқарма-сидаги ҳисоб-рақамга: 2260 4000 8005 7145 2003, МФО: 00981, ИНН: 200 933 850 тўлашлари шарт. Савдо го-либига 10 банк кунли ичида со-тувчи билан олди-сотди шар-тномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Аукцион савдо-си ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Матбуотчи-лар кўчаси, 32-уй. Тел: 233-28-52. Расмий сайт: www.rtm.uz. Гувоҳнома: 001805.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидроме-теорология марказининг хабар беришича, 11 де-кабрь кунги Тошкентда вилоятда ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёмғир ёғиши, туман ту-шиши мумкин. Шарқдан эсаётган шамол ўз йўна-лишини ўзгаришиб, Ғарб-дан секундига 7-12 метр тезликда эсади. Баъзи жойларда шамолнинг тез-лиги секундига 15-20 метргача кучайиши мум-кин. Кечаси 2-7, кундузи 8-13 даража илиқ бўлади.

Зохиджон ОЛОВ

МАҚСАДИМИЗ АНИК: ҚУЛАЙ ВА ТЕЗКОР ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

Бугун халқнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилиш, қулайлик яратиш ва шаффофликни таъминлашга қаратилган давлат хизматларини кўрсатишнинг янги тизими ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 декабрда эълон қилинган "Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва жорий йил 15 февралдаги "Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини янада комплекс ривожлантириш чоралари ҳақида"ги Қарори дастуриламал бўляпти.

Яқунлаётган йил поёнида келгуси йил учун амалий режалар тузар эканмиз, аввало, 2019 йил давомида Давлат хизматлари агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси ва ҳудудлардаги Давлат хизматлари марказларимиз томонидан мамлакатимизда давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш

нолариди хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлиги ҳам ошмоқда. Барча марказларимиз узоқ ҳудудларга чиқиб, сайёр хизмат кўрсатиш ва ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бориш учун "Дамас" автомашиналари билан таъминланган. Шунингдек, Туркиянинг ТИКА ташкилоти ҳамкорлигида грантлар ҳисобига махсус

Амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижасида, 2019 йил якуни бўйича Ўзбекистон биринчи бор Жаҳон банкнинг "Doing business" йиллик ҳисоботида Адлия вазирлиги ва Давлат хизматлари агентлиги масъул бўлган "Бизнесни рўйхатдан ўтказиш" кўрсаткичи бўйича дунёнинг 190 та давлати ичида 8-ўринни эгаллаб, «Топ – 10» талика кирди. Бу кўрсаткичнинг яхшиланиб боришида вилоятимиз давлат хизматлари агентлигининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Тезкор ва қулай хизмат кўрсатишимиз юртимизда ишбилармонлик, тадбиркорлик муҳитини яхшилашига, инвесторлар оқимининг кўпайишига хизмат қилаётганига шубҳа йўқ.



рини тез ва қулай ҳал этишда инсон омилини имкон қадар қамайтириш тақозо этилади. Бунинг учун идоралараро электрон тизимда интеграция ишларини тезроқ яқунлаш зарур. Бироқ, бу жараёнларни йўлга қўйиш айрим мутасадди ташкилотлар томонидан пайсалга солинаётганлиги бизнинг фаолиятимизга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шунингдек, аҳоли орасида хизматларни Давлат хизматлари марказларига келмасдан, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон тарзда олишни кўпроқ тарғиб қилишимиз лозим. Мазкур портал орқали му-

ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

Бугунги кунда ҳам вақтни, ҳам маблағни тежаш, олис масофани яқин қилиш омили бўлган замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш, одамлар орасида кенг ва самарали фойдаланишни жорий этиш масаласи юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири-

дир. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш йўлида олиб борилаётган кенг қўлмалли ишлар ижтимоий-иқтисодий жараёнларда тезкорлик, аниқлик, шаффофлик ва тежамкорлик борасида муҳим аҳамият касб этаётгани боис, шиддат билан янги босқичда давом этмоқда.

Аввал шаклланган давлат ахборот тизимлари ва ресурслари турли тарқоқ платформалар ва технологияларда ишлаб чиқилган бўлиб, улардаги маълумотлар бошқа давлат органларида тезкор кириш имкониятини чегаралаган эди. Бу эса амалиётда идоралараро ахборот

орқали кўрсатиладиган барча хизматларда инсон омилини қамайтириб, мавжуд электрон маълумотлардан фойдаланиш имконияти яратилган. Қолаверса, ҳозирда электрон шаклдаги архив ва маълумотлари бўлмаган давлат ташкилоти ва идоралари томонидан ҳужжатларни рақамлаштириш ишлари олиб борилаёпти.

Шунингдек, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматлари кўрсатувчи идораларга мурожаат қилган шахсларга жойига шахсан бориб хизматдан фойдаланганда тўланадиган тўловга нисбатан камроқ тўлаш имтиёзи жорий қилинган. Сирасини айтганда, ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланган фуқаролар ҳам вақтини, ҳам нақдини тежайди. Масалан, сиз Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилсангиз, қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёزلар сабаб текин ёки белгиланган йиғимларнинг 90 фоизи миқдорини тўлаган ҳолда уйдан чиқмасдан ёки иш жойида туриб ишингизни осонгина битирасиз.

Эндиликда давлат хизматлари марказларида ҳам олдингидек тартибсиз навбат кутишлар йўқ. Чунки, навбатни тар-

ҳили қилиб боровчи "ақлли" тизим жорий этилди. Шунингдек, Буюк Британиянинг "Компания хаус" компаниясининг илғор тажрибасига асосланган ҳолда, тадбиркорлар бўлажак бизнес ҳамкорига оид, масалан, рўйхатдан ўтган вақти, устав жамғармаси миқдори, муассислар ҳақидаги

рот алмашинув пайтида анча вақтни ўғирлаб, турли тизимларда ахборотнинг йиғилиб қолишига ва тақдорланишига олиб келарди.

Бугун Давлат хизматлари агентлиги тизимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш асосий восита ҳисобланади. Ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши давлат хизматлари тизими фаолиятининг рол алмашинув пайтида анча вақтни ўғирлаб, турли тизимларда ахборотнинг йиғилиб қолишига ва тақдорланишига олиб келарди.

Бугун аҳолига сифатли давлат хизматини таъминлаш билан одамлар мушқулини осон қилиш, дарду қувончига шерик бўлиш бизнинг мақсадимизга айланиб бормоқда. Шу азиз Ватанимиз учун, унинг истикболи ва тараққиёти учун ҳар бир ходимимиз садоқат билан ишлашга, шу халққа муносиб фарзанд бўлишга бор билимини, куч ва имкониятини сафарбар қилади.

Хайриддин ФАЙЗИЕВ, Давлат хизматлари агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи



жамият учун очик-ошкораликни таъминлаб, тез ва сифатли маълумот олиш имконини бермоқда.

Шу ўринда айтиш керакки, Давлат хизматлари марказлари ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали

тибга солиш ва марказ ходимларининг хизмат кўрсатишини баҳолаб бориш мақсадида Швейцариядан харид қилинган "QMATIS" электрон навбат ҳамда баҳолаш тизимлари аҳоли кўп жойлашган туман (шаҳар)лардаги марказларга

маълумотларни онлайн режимда олиш имконияти яратилди.

Абдурахим ЮЛДАШЕВ, Давлат хизматлари агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи



бўйича кенг миқёсда бошланган тадбирлар доирасида бир қатор салмоқли ишлар амалга оширилганлигини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг ташкил этилганига 2 йил бўлди. Шу қисқа вақт ичида агентлигимиз кўрсатадиган хизматлар тури 37 тадан 120 тага етди. Янги 2020 йилдан бу хизматлар турини 160 тага етказиш кўзда тутилган.

Давлат хизматлари кўрсатилишида овозгарчилик ва сансалорликка йўл қўйишнинг олдини олиш мақсадида талаб этиладиган ҳужжатлар сонини қисқа вақтда 92 тадан 42 тага, хизмат кўрсатиш муддати эса 225 кундан 101 кунгача қисқартирилишига эришилди.

Марказларимизда аҳоли учун қулай шарт-шароит яратиш энг муҳим омил ҳисобланади. Вилоятимизда фаолият олиб бораётган давлат хизматлари марказларида ҳам бу омилга катта аҳамият қаратилмоқда. Хусусан, виллоятимизда фаолият йўлга қўйилган 22 та Давлат хизматлари марказларидан 5 тасида инновацион бинолар фойдаланишга топширилди. Ҳозирда яна 5 та туман ва шаҳарда бинолар шай ҳолатга келтирилди. 2020 йилда барча марказларимиз янги бинолар билан тўлиқ таъминланади. Янги қурилган ва таъмирдан чиқарилган марказ би-

"Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак. Шу мақсадда ташкил қилинган Давлат хизматлари марказлари нафақат тадбиркорларга, балки бутун халқимизга тезкор ва сифатли хизмат кўрсатадиган идора бўлади".
Шавкат МИРЗИЕЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

жиҳозланган ва ҳар қандай хизмат кўрсатишга мўлжалланган 2 та автобус ажратилган. Уларда олис ҳудудларга чиқиб, аҳолига мақбул, қулай ва шаффоф услубларда хизмат кўрсатилмоқда. Жорий йилнинг шу давригача ходимларимиз томонидан сайёр тадбирлар орқали 13 мингдан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилди.

Рақамларга эътибор қаратсак, вилоят Давлат хизматлари марказлари томонидан 2018 йилда 416 мингдан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилган бўлса, 2019 йилнинг ўтган даври мобайнида жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилган давлат хизматлари сонини 904 мингдан ортиқ кетди. Йил якунигача кўрсатиладиган хизматлар сонини 1 миллиондан ошмиш кутилмоқда. Бу эса, вилоятимиз аҳолисининг 30 фоиздан ортиғи қамраб олинганини англатади. Бошқача айтганда, ҳар уч кишидан бири давлат хизматларидан фойдаланмоқда.

Ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам йўқ эмас. Афсуски, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатишда баъзи қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилаётгани аниқланмоқда. Хусусан, ўтган давр давомида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича ваколатли идораларга 57 та тақдимнома, 150 та огоҳнома киритилди. Бундан ташқари, 228 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома расмийлаштирилди. Қўлланилган таъсир чоралари натижасида 63 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, 17 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди ва 226 нафар шахсга нисбатан маъмурий жараима қўлланилди.

Тўғри, бугун иш фаолиятимизни таъминлашда бевосита бизга боғлиқ бўлмаган муаммо ва масалалар ҳам йўқ эмас. Мурожаат қилувчиларнинг ишла-

рожаат қилган шахсларга марказга-шахсан бориб тўланадиган тўловга нисбатан камроқ тўлаш имконияти, яъни имтиёз бериш орқали қулайликлар яратилган. Бундай қулайликлардан самарали фойдаланиш эса фуқароларимизнинг вақти ҳам, маблағи ҳам тежалишига хизмат қилади. Қолаверса, Давлат хизматлари марказларидаги навбат кутишларнинг олдини олади.

Бугун аҳолига сифатли давлат хизматини таъминлаш билан одамлар мушқулини осон қилиш, дарду қувончига шерик бўлиш бизнинг мақсадимизга айланиб бормоқда. Шу азиз Ватанимиз учун, унинг истикболи ва тараққиёти учун ҳар бир ходимимиз садоқат билан ишлашга, шу халққа муносиб фарзанд бўлишга бор билимини, куч ва имкониятини сафарбар қилади.

Хайриддин ФАЙЗИЕВ, Давлат хизматлари агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи



жамият учун очик-ошкораликни таъминлаб, тез ва сифатли маълумот олиш имконини бермоқда.

Шу ўринда айтиш керакки, Давлат хизматлари марказлари ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали



тибга солиш ва марказ ходимларининг хизмат кўрсатишини баҳолаб бориш мақсадида Швейцариядан харид қилинган "QMATIS" электрон навбат ҳамда баҳолаш тизимлари аҳоли кўп жойлашган туман (шаҳар)лардаги марказларга

маълумотларни онлайн режимда олиш имконияти яратилди.

Абдурахим ЮЛДАШЕВ, Давлат хизматлари агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи



Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги тизимида ҳам давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, унга имкон бевурича сабаб ва шарт-шароитларни бар-

тарф этиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланган бўлиб, унга мувофиқ, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни миллий ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга мос-

МИЛЛАТ КУШАНДАЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни давлат органлари фаолиятининг очиклиги ва ҳисобдорлигини таъминлаш, давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини ошириш, давлат органлари, мансабдор шахсларнинг ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши юзасидан масъулиятини кучайтиришга, коррупцияга қарши курашиш соҳасида парламент ва жамоатчилик назоратини амалга оширишга хизмат қилмоқда.

лаб қайта ишлаш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш белгилаб қўйилди. Шу билан бирга, маъмурий бюрократик тўсиқларни бар-тарф этиш кўзда тутилган.

Ходимлар ўртасида коррупцион ҳолатларни аниқлаш ва ушбу салбий оқибатларнинг келиб чиқишига шароит яратаётган оми-

ларни бартаф этиш мақсадида бошқармаимиз томонидан 2019 йилда 450 дан ортиқ профилактик суҳбат ўтказилди. "Сирли мижоз", "Рейд" ва "Мониторинг" каби текширувлар натижасида 16 нафар ходимга интизомий жазо чоралари қўлланилди. 9 нафар ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди. Шу жумладан, фаолиятида турли хато ва камчиликларга йўл қўйган 37 нафар ходим расман огоҳлантирилди. Шу билан бирга, ҳар бир ходимнинг турмуш тарзи ва мулоқот доираси ҳамда оилавий, моддий аҳолидан ҳабардор бўлиб боришмоқда.

Шунингдек, бу иллатга қарши

мурасиз курашиш мавзуларида ўқув семинарлари ва йиғилишлар ҳам ўтказилди. Уларда ходимлар томонидан белгиланган чеклов ва тақдирларга риоя қилиш, зиммаларидаги вазифаларини бажариш жараёнида ҳар қандай моддий қийматга эга "ҳадя"лар берилиши ёки хизмат беворларини ўтаётганда бошқа имтиёзлар тақдиф қилинишига нисбатан мурасиз муносабат шакллантирилмоқда. Бундан ташқари, хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашуви, шахсий манфаатдорлик юзага келиши ҳақида ҳисоб бериш мажбу-

риятини бажариш, бундай низоли вазиятларнинг олдини олиш ёки хал қилиш учун чоралар кўриб борилаётди.

Давлат хизматлари агентлиги тизими коррупциядан холи ҳудуд, деб эълон қилинган, "1148" ишонч телефонлари тармоғининг йўлга қўйилганлиги эса камчиликлар мавжуд бўлган оғрикли нукталаримизни аниқлаб, зудлик билан бартаф этиш имконини бермоқда.

Мусажон КАРИМОВ, Давлат хизматлари агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси бош маслаҳатчиси

Саҳифани "Тошкент ҳақиқати" муҳбири Зухриддин РАҲМОНОВ ва Мансур ХИММАТОВ (суратлар) тайёрлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Файрат
ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз:

111500, Нурафшон шаҳри,
Тошкент йўли кўчаси, 90.

Тошкент шаҳридаги

офисимиз:

100000, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Қабулхона:

Бош муҳаррир ўринбосари:

Масъул котиб:

Бўлим муҳаррирлари:

Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:

(71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс)

(71) 233-70-10

(71) 233-90-82

(71) 233-38-23, (71) 233-48-08

(71) 233-65-59, (71) 233-54-10

Электрон почта: toshkenthaiqiqati@uam.uz / th-th@inbox.ru

Тошкент вилояти
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар бошқармасида
2011 йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.

Газета "Тошкент ҳақиқати"
тахририят компьютер марказида
теризли ва Тоҳир Маҳмуджоев
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир

Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА

Назоратчи мусаввиф

Аллома АЗИЗОВА

Навбатчи

Жавлон ХАЛИЛОВ

ISSN 2010-9318.